

И.ф.д. Зафар БЕКНАЗАРОВ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА УНИ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизими молиявий таҳлили ўрганиб чиқилган. Ижтимоий суғуртанинг ҳар бир тури бўйича иқтисодий-статистик таҳлиллар, пенсия ва нафақаларнинг тайинланиши, тўланишини манзилли ҳамда мақсадли етказиш бўйича дастурий таъминотларнинг натижалари ўрганилган. Мамлакатимизда ижтимоий нафақа олувчилар сони ҳамда кам таъминланган оилаларла бериладиган моддий ёрдамлар миқдорларини ўсиши, молиявий манбалари келтириб ўтилган.

Кадит сўзлар: Ижтимоий суғурта, пенсия ва нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, мажбурий тиббий суғурта, ишсизлик нафақаси, бир марталик бериладиган нафақалар, ижтимоий хизмат турлари.

IMPROVING THE FINANCING OF THE SOCIAL INSURANCE SYSTEM AND ITS FINANCIAL ANALYSIS

Annotation: Financial analysis of the social insurance system in the Republic of Uzbekistan are discussed in the article. The results of economic and statistical analysis of each type of social insurance, the results of software for the appointment, payments, addressable and targeted delivery of pensions and benefits are studied. The increase in the number of recipients of social benefits in our country, as well as the amount of financial assistance provided to low-income families, financial sources are mentioned in the article.

Key words: Social insurance, pensions and benefits, material assistance to low-income families, compulsory health insurance, unemployment benefits, lump sum benefits, types of social services.

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий суғурта тизимида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жаҳонда бошланган пандемия шароити эса ижтимоий суғурта тизimini янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатиб берди. Ўзбекистонни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро ижтимоий таъминот стандартлари билан боғлиқ кўплаб асосий хусусиятларни ўз ичига олади: жумладан; ижтимоий ёрдам ва ижтимоий суғурта элементлари. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг мақбул усулларида бири бу ижтимоий суғурта тизимидир. Юртимизда аҳолини ижтимоий суғурта тизими орқали қамраб олиш даражаси 44 фоизни ташкил

этиб, аҳолига турли ижтимоий ёрдамлар (ижтимоий нафақалар орқали) кўрсатиб келинмоқда. Ижтимоий суғурта тизими орқали бериладиган бола туғилгани учун бир марталик нафақа, ҳомиладорлик ва туғиш учун нафақа (бюджет ташкилотлари учун), кам таъминланган оилаларга нафақа, дафн маросими учун бир марталик нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақалар эҳтиёжманд оилаларнинг молиявий имкониятларини яхшилашга, уларнинг молиявий қийинчиликлардан чиқиб кетишига замин яратиб берилади. Бу тизим давлат томонидан доимий равишда изчил амалга ошириб келинмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аҳолини ижтимоий суғурта тизими орқали камбағалликдан чиқариш ва фаровон турмуш тарзини амалга ошириш доимо далзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги давом этаётган пандемия шароити ижтимоий суғурта масаласи глобал муаммолардан эканлигини кўрсатиб, бу борада кўплаб илмий ва амалий изланишлар олиб борилиши кераклигини тақозо этмоқда. Хусусан:

Хорижий мамлакатларнинг етук олимлари Заҳин Ансари, Мосаб И. Табаш, Асиф Акхтар, Самар Ҳ. Қҳан, Эбраҳим Моҳаммед Ал-Матарӣ [1] “Хусусий бозорнинг номукамаллиги бутун дунё бўйлаб ижтимоий суғурта кўламини кенгайтиради. Ижтимоий суғурта ишлаб чиқилган ҳетерожен хавфлардан ҳимоя қилишни таъминлаш. Фаровонлик шароитида истеъмолчининг ижтимоий суғуртага бўлган талаби оптимал сиёсатни қамраб олиш заруратидан келиб чиқади. Худди шундай, давлат аралашуви суғуртани осонлаштиради, номукамал ахборот ва маънавий хавф таъсирини камайтириш орқали бозорни шакллантиради” деб таъкидлашган. Г.Такасс [2] “Ижтимоий суғурта ва бемор харажатларининг вақт серияли таҳлили” номли илмий ишланмасида ижтимоий суғуртанинг тизимининг долзарб муаммолари ёритиб берилган. Дармаван К Ҳ, Сатиби С, Кристина С.А [3] “Ижтимоий соғлиқ суғуртаси учун тўловга тайёрлик ва аҳоли орасида туғилган омиллар” номли мақоласида ўз фикр мулоҳазаларини келтириб ўтган. Тобиас Лаун, Жоҳанна Валлениус [4] “Ижтимоий суғурта ва пенсия: давлатлараро истиқбол” номли мақоласида ижтимоий суғурта турлари ва молиялаштириш асослари тўғрисида келтирилган. Минас Влассис, Стефанос Мамакис, Мариа Варватаки [5] “Солиқлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва декларацияланмаган меҳнат бирлашган олигополия” илмий ишланмаларда ушбу тадқиқот иши ўрганиб чиқилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада ижтимоий суғурта тизимини молиялаштириш ва уни молиявий таҳлил қилишда тизимли ёндашув, илмий абстракциялаш, анализ, синтез каби методлардан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий суғурта харажатлари асосан давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар, жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта бадаллари ҳамда ижтимоий солиқ тўловлари орқали шаклланади.

1-жадвал

2019-2023 йилларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича айрим турдаги ижтимоий нафақалар миқдори ва ўзгариши (млн.сўм) [6]

№	Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	Дафн этиш учун нафақа	132400,0	139200,0	145142,0	154054,4	165487,7
2.	Бола туғилгани учун бир марталик нафақа	337,8	369,9	395,7	431,8	482,3
3.	Ҳомиладорлик ва туғиш учун нафақа (бюджет ташкилотлари учун)	342917,3	385000,0	428730,0	473460,7	518172,5
4.	Кам таъминланган оилаларга нафақа	212297,1	367517,7	521792,3	676067,9	748512,8
5.	14 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақа	649503,0	1277220,8	2042032,4	2806844,5	3571656,4

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2019-2023 йиллар давомида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бериладиган нафақаларнинг миқдори ошиб бориш тенденциясига эга. Дафн маросими учун нафақа 2019 йилда 132400,0 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, бу кўрсаткич 165487,7 млн.сўмни ташкил этди. Таҳлил қилганимизда ушбу нафақа миқдори 2021 йилда 1,2 баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Бола туғилгани учун бир марталик нафақа 2019 йилда 337,8 млн.сўмни, 2023 йилда эса 482,3 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу нафақанинг 2021 йилда 1,4 баробарга ўсган. Дафн маросими ва бола туғилганда бериладиган нафақаларни 2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджет харажатлари таркибига киритилган. Бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга бериладиган ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган нафақалар миқдори 2019 йилда 342917,3 млн.сўмни, 2023 йилда эса 518172,5 млн.сўмни ташкил этган. Бу фақатгина бюджет ташкилотларида ишловчи оналар учун берилган. Хусусий секторда ишлаётган оналар учун эса бу нафақа

тўланмаган. Хусусий секторда ишлаётган аёлларни ижтимоий-иқтисодий жихатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йил учун давлат бюджетидан 200,0 млрд.сўм субсидия тўлаб бериш учун ажратилди. Кам таъминланган оилалар учун ажратиладиган нафақа 2019 йилда 212297,1 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб эса 748512,8 млн.сўмни ташкил этмоқда. Ушбу нафақа тури 2023 йилда 5,4 баробарга ошган. 14 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақалар 2019 йилда 649503,0 млн.сўмни, 2023 йилда эса 3571656,4 млн.сўмни ташкил этмоқда. 2023 йилда бу кўрсаткич 5,7 баробарга ошганини кўрсатмоқда. Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаб чиқиётган чора-тадбирлар ўз самарасани бермоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг ёрқин ифодасини кўришимиз мумкин.

Ижтимоий суғурта тизими орқали амалга ошириладиган ёшга доир нафақалари аҳолининг 38 фоизга яқини ва 65 ёшдан ошган қарияларнинг 85 фоизини қамраб олмоқда. Камбағал оилаларни моддий ёрдам билан қабраб олиш даражаси 29 фоизни ташкил этмоқда. Олиб борилган тадқиқот натижаларимизга кўра камбағал деб топилган хар учта шахслардан биттаси хар қандай ижтимоий ёрдамларни олмоқда. Пандемия ҳолатида, мамлакатимизда Совид-19 таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган иқтисодий хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида бир қатор ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари қабул қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги қўшимча харажатларни қоплаш ва ишсизликнинг ўсишига қарши курашиш учун қўшимча ресурслар билан биргаликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қатор тадбирларни кенгайтириб, айниқса кичик ва микрофирмаларга солиқ имтиёзлари берилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан банд қилганда ижтимоий солиқ суммаларини қайтариб бериш каби давлат дастурлари ишлаб келмоқда. Пандемия даври бошлангандан ҳозирга қадар ҳукуматнинг ўндан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, иқтисодиётига қарийб 30 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 5,9 фоизи миқдоридида маблағлар ажратилди.

Сўнгги пайтгача ижтимоий ҳимоя тизими асосан ижтимоий суғурта, пенсия ва маълум даражада кам таъминланган оилаларга нафақалар беришга йўналтирилган эди. Шундай қилиб, меҳнат бозоридаги аралашувларга, шу жумладан ишсизлик нафақаси, малака ва вақтинчалик иш билан таъминлашга камроқ эътибор қаратилиб келинмоқда эди. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, хусусан, Давлат корхоналарини қайта қуриш, ушбу янги ишсизлар учун малака ошириш ва уларни ўқитиш учун қўшимча манбаларни талаб қилади. Аксарият болаларнинг миллий ижтимоий ҳимоя тизимидан четлаштирилиши улар ривожланишининг орқада қолишини

англатади ва келажакдаги ишчи кучининг сифатига салбий таъсир қилади. Кўриниб турибдики, ижтимоий четга қолишнинг асосий сабаблари ресурсларнинг етишмаслиги, лойиҳаларнинг мақсадли ва манзилли амалга оширилмаганлиги. Ижтимоий таъминот аҳолининг аксарият қисми учун имконсиз бўлиб қолиши бу катта ташвиш уйғотмоқда. Меҳнатга лаёқатли шахсларнинг тахминан 50 фоизи норасмий секторда фаолият олиб боришмоқда, бу эса уларнинг ижтимоий суғурта тизимларида қатнашмаётганликларини билдиради. Ижтимоий суғурта тизимида жалб қилишни кенгайтириш жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Бунга эса норасмий секторда банд бўлганларни, уларнинг мавқеидан қатъий назар, ижтимоий суғурта дастурларини кенгайтириш ва шу билан бирга бандликни расмийлаштириш бўйича параллел ҳамда келишилган сиёсий ҳаракатлар қилиш орқали эришиш мумкин.

2-жадвал

Хорижий мамлакатларда жисмоний ва юридик шахслардан ижтимоий суғурта жамғармаларига тўланадиган ижтимоий тўловлари тарифи (2023 йил, фоизда) [8]

Мамлакатлар	Озарбайжон	Арманистон	Беларус	Грузия	Қозоғистон	Қирғизистон	Молдова	Россия	Ўзбекистон	Украина	Германия	Жанубий Корея
Кўрсаткичлар												
Жами ижтимоий тўлов тарифи, шундан*												
Иш берувчи	22,5	23,0	34,0	20	9,5	17,5	23	30	25/12	22,0	20,5	9,23
Ишловчи	3,5	-	1,6	-	10	10	6,0	-	-	18,4	19,4	8,98
I. Пенсия жамғармасига												
Иш берувчи	-	-	28,0	2,0	5	15	-	22	25/12	18,0	9,35	4,5
Ишловчи	-	-	1,0	-	-	8	6,0	-	-	-	9,35	4,5
Жамғариладиган тизим	-	2,3	-	2,0	10	0,25	-	-	0,1	-	-	-
II. Ижтимоий жамғармаларга, шундан:												
<i>Тиббий суғуртасига</i>												
Иш берувчи	-	-	-	-	2,0	2,0	4,5	5,1	-	-	7,3	3,68
Ишловчи	-	-	-	-	1,0	-	4,5	-	-	-	7,3	3,68
<i>Хомиладорлик ва вақтинча касалликда нафақа тўлаш жамғармасига</i>												
Иш берувчи	-	-	-	-	-	2,0	-	2,9	-	1,02	1,5	-
Ишловчи	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1,5	-
<i>Ишсизлик нафақаларини тўлаш ва ишсизликни қўллаб-қувватлаш жамғармасига</i>												
Иш берувчи	0,5	-	-	-	-	0,25	-	-	0,1	-	1,25	1,05
Ишловчи	0,5	-	-	-	-	-	-	-	-	1,15	1,25	0,8
III. Касб касаллиги ва меҳнатда жароҳатланиш жамғармаси												

Иш берувчи	0,2	-	0,1	-	0,1	0,02	-	0,2	-	2,01	1,1	0,7
Ишловчи	0,2	-	0,6	-	2,9	0,5	-	8,5	-	-	-	0,7

Ижтимоий суғурта жамғармаларига иш берувчи ва ишчи ходимнинг иштирок этишлари турлича. Таҳлил қилинаётган мамлакатларнинг аксариятида ижтимоий суғурта жамғармаларининг энг каттаси бу пенсия жамғармаси ҳисобланади. Иш берувчи ва ишчи ходимларнинг ҳам энг юқори тўлайдиган суғурта бадаллари ҳам пенсия жамғармалари ҳисобига тўғри келади. Озарбайжон, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Украина, Германия, Жанубий Корея давлатларида ижтимоий суғурта жамғармалари учун иш берувчи ва ишчи ходим биргаликда иштирок этади. Арманистон, Грузия, Россия ва Ўзбекистон каби мамлакатларда эса фақатгина иш берувчи белгиланган ижтимоий солиқларни тўлайди. Юқоридаги жадвалда ижтимоий солиқларнинг қайта тақсимланишини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда ҳам 2019 йилгача ижтимоий солиқни тўлашда иш берувчи ва ишчи ходимлар биргаликда иштирок этиб келишган. Аҳолини реал даромадини ва турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ишчи ходимларнинг иштироки бекор қилинди. Ижтимоий солиқларни юқори фоизда тўлаётган мамлакатларда иш берувчилар ушбу тўловни тўлашдан қочиш учун янги иш ўринлари яратишмайди. Бизни мамлакатда эса иш берувчиларни рағбатлантириш мақсадида агарда иш берувчи йигирма беш ёшгача бўлган “ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни бандлигини таъминласа молия йилининг сўнгида улар учун тўланган ижтимоий солиқ суммалари иш берувчиларга қайтариб берилади.

Ижтимоий суғурта тизимининг асосий бўғинларидан бири бу мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта ҳисобланади. Тиббий суғуртада имкониятлар яратиладики, у нафақат аҳоли қатлами саломатлигини кафолатлайди, балки тиббиёт соҳасидаги оғриқли масалалар (тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси, бюрократизм, коррупция, кадрлар тақчиллиги, навбатда туриш ва ҳоказо)ни ҳам ижобий томонга ўзгартиришга замин яратади.

Шу боис тиббий суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор тиббий суғурта тизими аҳоли саломатлигига бўлган эътиборни кучайтириб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради. Республикамизда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш мақсадида жорий йилдан тизимнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда ушбу тизимни 2021 йилдан жорий этиш бошланади ва биринчи навбатда, йирик ташкилотларда мажбурий суғурта таъминланади.

Тиббий суғурта механизмининг амал қилиши суғурта муносабатлари иштирокчиларининг макро ва микродаражадаги ўзаро муносабатлари жараёнидир. Ушбу механизм ўз ичига суғурталашни амалга ошириш йўллари, усуллари ва воситаларини олади. Ўзбекистон ихтиёрий тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улушини кўриб чиқамиз.

3-жадвал

Ўзбекистон ихтиёрий тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши [9]

Йиллар	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Суғурта тўловлари (млрд.сўм)	Суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улуши (%да)	Олдинги йилга нисбатан ўсиш (+) ёки камайиш (-) (%да)
2019	9,3	7,3	77,7	0,7
2020	18,0	10,7	59,3	-18,4
2021	19,5	11,4	58,4	-0,9
2022	23,9	15,4	64,5	6,1
2023	28,4	20,5	71,3	6,8

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши 2023 йилга келиб, 2019 йилга нисбатан 7,1 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, йиғилган суғурта мукофотларининг ярмидан кўпи, суғурта копламалари учун тўлаб берилган.

Ихтиёрий тиббий суғурта дастури доирасида суғурта ходисаси юз берганда, дастлабки мажбурий тиббий кўриклар, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва шошинч ихтисослаштирилган тиббий ёрдам доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматлар харажатлари ҳамда шошинч тиббий ёрдам кўрсатишда тиббий ходимлар томонидан дори воситаларига сарфлаган харажатлари тўланади.

Ихтиёрий тиббий суғурта аҳолининг қуйидаги тоифаларига мўлжалланган:

ёлланма ишчи сифатида ишлаётган барча фуқароларга, шунингдек, уларнинг оилаларига (агар бу ҳолат суғурта дастурида назарда тутилган бўлса);

Ўзини-ўзи иш билан таъминлаган фуқароларга (шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, патент тизимини қўллаб, рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлар);

барча ишловчи пенсионерларга, бунда уларга тиббий суғурта бўйича давлат кафолатлари берилмайди.

Ўз навбатида, мажбурий тиббий суғурта суғурта хизматлар нархини белгилашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган норматив молиялаштириш шартларига асосланиши керак.

Суғурталанган шахслар бўйича маълумотлар базаси веб-портали ихтиёрий тиббий суғурта тизимида суғурталанган фуқароларнинг ягона реестри минтақавий турлари юритилишини таъминлайди.

Тадқиқотларимиз натижасида шуни кўришимиз мумкинки, ижтимоий суғурта тизими харажатлари давлат бюджети томонилан ҳам молиялаштирилади. Ижтимоий суғурта харажатларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар таркибидаги улушини кўриб чиқамиз.

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ижтимоий соҳа харажатлари 2010 йилга нисбатан олганда камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ижтимоий соҳа харажатлари давлат бюджетининг 60 фоизини ташкил этмоқда. Сўнги йилларда бир марта бериладиган ижтимоий нафақаларни давлат бюджетидан амалга оширилиши ҳам давлат бюджети харажатлари миқдорини ошишига олиб келмоқда. Ижтимоий суғурта харажатлари эса ялпи ички маҳсулотнинг 2020 йилда 0,9 фоиз улушини ташкил этмоқда. Ижтимоий харажатлар таркибида эса 4,8 фоиз ташкил этмоқда. 2019 йилда иқтисодий кўрсаткичларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий суғурта нафақалари орқали аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий суғурта тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

- аҳолига ижтимоий суғурта нафақаларини тайинлаш ва тўлашда аниқ манзилли ҳамда мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;
- ижтимоий суғурта нафақаларини тайинлашда дастурий таъминотни яратиш ва унинг устидан назоратни кучайтириш;
- ҳудудларда норасмий ишларда ишлайдиган ишчиларнинг ҳисобини юритиш бўйича аниқ чора-дастурлар ишлаб чиқиш;

- ўз-ўзини ижтимоий зарур меҳнат билан банд қилишни рағбатлантириш;

- ишлаётган шахсларни мажбурий тиббий суғурта тизими билан қамраб олишда дастурий таъминот ишлаб чиқиш;

- иш берувчилар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммаларини ўз вақтида тўлаган ва янги иш ўрни яратганларни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш;

- хомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни хусусий секторда банд бўлган аёлларга ҳам жорий этиш ва тадбиркорларнинг ушбу харажатларини бошқа манбалар орқали қоплаб бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Zahin Ansari, Mosab I. Tabash b, Asif Akhtar, Samar H. Khan, Эbrahim Mohammed Al-Matari. Identifying and ranking the driving forces of social insurance by analytical hierarchy process: evidence from India. Heliyon. journal homepage: www.heliyon.com. (ScienceDirect).

2. Takacs G. A Time Series Analysis of Social Insurance and Patient Costs of Reimbursed Medical AIDS in Hungary. National Institute of Pharmacy and Nutrition, Budapest, Hungary.

3. Darmawan KH, Satibi S, Kristina S.A. Willingness to pay for social health insurance and factors born among the population. www.scopus.com

4. Tobias Laun, Johanna Wallenius. Social insurance and pensions: an interstate perspective. Review of Economic Dynamics.

5. Minas Vlassis, Stefanos Mamakis, Maria Varvataki. Taxes, social security contributions and undeclared labor are combined oligopolies. Economics Letters.

6. Galkina E.V., Jiltsov E.N., Ivanovlar A.N. Literature on the pension system.

7. Far D. Insurers and other participants in insurance activities.

8. Verden E. “Insurance cooperatives and share payments”.

9. Вахабов А.В. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Тошкент 2017.

10. Умурзаков Б.Х. Ижтимоий ҳаёт ва демографик босимлар. Мақола. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил декабр сони.

11. Ражабов Ш. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш: Автореферат. Т.: Иқтисод-молия, 140 б. 2019 йил.

12. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. Т.: Иқтисод-молия, 200 б. 2019 йил.

13. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг веб сайти www.undp.com



14. Бутунжаҳон меҳнат ташкилотининг веб сайти www.ilo.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.

16. Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш. Монография. Тошкент: Университет, 2020 йил.